

88.6
K 48

Жорж Клейсон

БОБИЛНИНГ ЭНГ БАДАВДАТ ОДАМИ

(бойлик сирлари)



1/2

88.6
K48

Жорж Клейсон

БОБИЛНИНГ ЭНГ БАДАВЛАТ ОДАМИ

(бойлик сирлари)

249982

ТОШКЕНТ
«VEKTOR-PRESS»
2009

QIROATXONA
БИБЛИОТЕКА
Д/К ФАРХАД

ISBN 978-9943-343-14-6

© Ш.Раззоқов (таржима), 2009 й.

© «VEKTOR-PRESS» нашриёти, 2009 йил.

СЎЗ БОШИ

*Миллатнинг гуллаб яшнаши,
ҳар бир фуқаронинг иқтисодий
фаровонлигига боғлиқ.*

Ушбу китобда айнан ҳар биримизнинг муваффақиятга эришишга бўлган имкониятимиз таҳлил қилинади.

Муваффақият – бу мақсадга ўз ҳаракатинг ва маҳоратинг орқали эришишдир.

Муваффақият калити ўйланган нарсани рўёбга чиқаришга тўғри тайёргарлик кўришдадир.

Ҳаракатдаги донолик фикрдаги доноликдан ортиқ бўлолмайди. Фикр эса тушунишдан кўра донороқ бўлолмайди.

Мазкур китобда таклиф қилинаётган камбағалликдан қутулиш йўл-йўриқлари молиявий қонунларни тушуниб етишга асос бўла олади. Айнан мақсад ҳам ана шунда: муваффақиятга интилаётганларга маблағни йиғиш, уни сақлаш ва унинг даромад келтиришига хизмат қилдириш учун пулнинг сирларини ўрганишни таклиф қилиш.

Китобнинг кейинги саҳифалари биз билан сизни ҳозирги кунгача долзарб бўлиб келаётган асосий молиявий қонунларнинг ватани бўлмиш қадимий Бобилга олиб боради.

Муаллиф ўзининг янги ўқувчиларини қувонч билан қарши олган ҳолда дастлабки миллионлаб ўқувчилари сингари улар учун ҳам ушбу китоб молиявий фаровонлик ва муваффақиятга эришишда илҳом манбаига айланишига умид қилади.

Имкониятдан фойдаланиб муаллиф китобдан олган билимлари билан ўз дўстлари, яқинлари ва ҳамкасблари би-

лан ўртоқлашган бизнесменларга ўз миннатдорчилигини билдиради. Китобдаги илмларнинг ишбилармонлар олами томонидан тан олинishi алоҳида эътиборга лойиқ, чунки ушбу воситалар ва қонунларнинг самарадорлигини синаб кўриш айнан бизнес вакилларига насиб қилган.

Бир вақтлар Бобил қадим замоннинг энг гуллаб-яшнаган шаҳри бўлган. Бунга сабаб, унинг халқи камбағалликни енга олган, пулнинг қадрини билган ва нафақат ўз даромадини кўпайтириш, балки пулни сақлаб, уни ўзига-ўзи ишлаб кўпайишига имкон берадиган асосий молиявий қонунлар талабларига қатъиян амал қилган. Бобил аҳли ўзининг барчамиз орзу қиладиган фаровон келажагини яратган.

Жорж. С. Клейсон

Пул – жамият муваффақиятининг ўлчови.

Пул ҳаётда мавжуд энг юксак қувончларни татиб кўриш имконини беради.

Пул уни жамғаришнинг оддий қонунларига амал қиладиган одамларни яхши кўради.

Бугунги кунда пуллар бундан олти минг йил олдин Бобилда мавжуд бўлган қонунлар асосида бошқарилади.

БОЙЛИКНИ ОРЗУ ҚИЛГАН ОДАМ

Бобиллик аравасоз Беназирнинг кайфияти жуда ёмон эди. У ҳовлисини ўраб турган пастгина панжара устига ўтириб олиб ўзининг ғарибона кулбаси ва деярли битказилган арава турган очиқ устахонасига ғамгин тикилиб ўтирарди.

Уйининг очиқ турган эшигидан вақти-вақти билан хотини қараб кўярди. Унинг эри томонига яширинча ташлаётган нигоҳлари, уйда ейишга ҳеч вақо қолмаганлигини, ишга киришиш фурсати етганлигини – сўнгги миҳни қоқиб аравани битказиш, уни сайқаллаш, бўяш, ғилдиракларига чарм тортиш ва ниҳоят тайёр молни бой буютмачига етказиб бериш фурсати етганлигини эслатиб турарди.

Лекин унинг мушакли оғир танаси қимирлашни истамасди. Хаёллари ҳушёқмаслик билан Беназир ҳеч жавоб тополмаётган ягона савол атрофида айланиб юрарди. Ефрат водийсига хос бўлган тропик иқлим қуёшининг жазирама нурлари уни аёвсиз куйдирарди. Қошларининг устида йиғилаётган майда тер томчилари юзидан пастга оқиб, кўкрагидаги юнгли «чакалакзорда» йўқолиб кетарди. Уйининг орқа томонида эса шох қасрини ўраб турган баҳайбат деворлар қад кўтарган, мовий осмон эса нақшинкор Бел ибодатхонасини ёритиб турарди. Бу баҳайбат бино сояси Беназирнинг ғарибона кулбаси ҳамда уникидан ҳам анча

кўркам ва ораста бўлган бошқа кўпчилик уйларга ҳам тушиб турарди.

Ҳа, Бобил шундай шаҳар эди – дабдабалик ва камбағаллик, кўзни қамаштирадиган даражадаги бойлик ҳамда шафқатсиз қашшоқлик қоришмаси, барчаси ҳеч қандай режасиз ва тартибсиз шаҳарнинг қудратли деворлари остида бир жойга тўпланган. Агар у орқасига ўгирилиб қарашга ҳаракат қилганда эди, кўча савдогарлари ва ялангоёқ тиламчиларни четга сиқиштириб бир-бирига йўл бермай бораётган ҳашаматли араваларни кўрган бўларди. Ҳатто бойлар ҳам шоҳ хизматида бораётган сув ташувчи қулларнинг узундан-узун сафига йўл бериш учун араваларини ариқ чеккасидан ҳайдашга мажбур эдилар. Ҳар бир қул осма боғларни суғориш учун эчки терисидан ясалган сув тўлдирилган оғир мешларни кўтариб борарди.

Беназир ўз хаёллари билан бўлиб шаҳардаги тинимсиз ҳаракатларни эшитмас ва уларга умуман эътибор ҳам бермас эди. Фақат тўсатдан янграган таниш лира садосидан у ўзига келиб ўгирилганда қаршисида кайфияти чоғ, очик чеҳрали энг яқин дўсти Кобби-муסיқачи турганини кўрди.

– Илоҳим худолар сени ўзининг буюк саҳийлиги билан тақдирласин, менинг азиз дўстим, – деди Кобби, – Гарчи улар шундоқ ҳам сенга аллақачон яхшилик қилиб қўйишганга ўхшайди. Сенинг улкан бахтингга шерик бўлиб биргаликда қувонишга ижозат эт. Мен ҳатто уни сен билан баҳам кўришни истардим. Илтимос, менга бугунги байрам кунининг ниҳоясигача устахонангда сақланаётган тўла ҳамёнингдан арзимас, атиги икки шекел бериб турсанг. Мен уларни ҳамёнингдан йўқ бўлиб қолганини сезишингдан ҳам олдинроқ қайтараман.

– Агар менда иккита шекел бўлганида ҳам, – қовоғини солиб жавоб қилди Беназир, – мен уларни ҳеч кимга, ҳатто сендай яқин дўстимга ҳам қарзга беролмасдим. Чунки улар

менинг бор-йўқ бойлигим бўларди! Бойликни эса ҳеч кимга, ҳатто энг яқин дўстларга ҳам беришмайди.

– Нима! – ҳайратдан ҳайқирди Кобби. – Ҳамёнингда битта ҳам шекел йўқлигига қарамасдан ҳайкалдай қотиб ўтирибсанми! Нимага аравани қуриб битказмаяпсан? Олийжаноб иштаҳангни нима билан қондирмоқчисан? Ўзингга ўхшамаяпсан, дўстим. Битмас-туганмас ғайратинг қаерда қолди? Сени нимадир ранжитдими? Ёки худолар бошингга кўнгилсизликлар ёғдирдими?

– Ҳа, бу қийноқни менга худолар юборганга ўхшайди, – қўшилди Беназир, – Ҳаммаси ўша бемаъни тушдан бошланди: «ичи тангаларга лиқ тўла чиройли қизил ҳамён белбоғимда осилиб турарди. Унда шекеллар ҳам бор эди. Мен уларни боқибеғамлик билан тиламчиларга улашардим. Кумуш тангаларни эса хотинимга тақинчоқ ва ўзимга совғалар сотиб олишга сарфлардим. Олтин тангалар менда келажакка ишонч уйғотарди. Шунинг учун кумушларни ҳам ҳеч кўрқмасдан сарфлардим. Унутилмас хурсандчилик ва мамнунлик туйғуси кўнглимга ўрнашиб олди! Сен мендаги ўзгаришни кўриб илгариги меҳнаткаш дўстингни танимаган бўлардинг. Хотинимни айтмайсанми – унинг чехрасида битта ҳам ажин йўқ, бахтдан юзидан нур тараларди. У яна мен қачонлардир севиб қолган қувноқ қизга айланиб қолган эди.

– Ҳақиқатан ҳам ёқимли туш, – деди Кобби, – лекин нега энди қалбингда уйғонган шундай ажойиб ҳиссиёт сени ғамқайғуга ботган «ҳайкалга» айлантириб қўйди?

– Сен яна нимага деб сўрайсан-а? Чунки уйғонганимдан кейин ҳамёним бўм-бўш эканлиги эсимга тушиб, мени қаттиқ норозилик чулғаб олди. Бу муаммони ҳал этишда менга ёрдам бер. Ахир денгизчилар тили билан айтганда, биз сен билан бир кемада кетяпмиз. Ёшлигимиздан илм излаб руҳонийларга қатнадик. Биргаликда вақтихушлик қилдик. Йиллар давомида дўстлигимиз фақатгина мустаҳкамланиб

борди. Биз ҳамиша ўзимиздан ва ўз ҳаётимиздан мамнун эдик. Меҳнат қилиб пул топиш бизга ҳузур бахш этарди, маошимизни эса эмин-эркин сарфлардик. Охирги пайтларда биз озмунча пул ишлаб топганимиз йўқ, лекин бойлик қанчалик хурсандчилик олиб келишини била туриб ҳам, у ҳақда фақат орзу қилишдан нарига ўтмаяпмиз. Эй-воҳ! Бундан чиқди бизнинг товуқмиялардан фарқимиз йўқ эканда? Ахир биз дунёнинг энг бой шаҳрида яшаяпмиз. Ҳақиқатан ҳам атрофимизда бойлик оз эмас, лекин булардан шахсан бизга қандай наф? Мана қара, шунча узоқ ва машаққатли йиллардан кейин ҳам сен, менинг энг яқин дўстим, ёнимга бўш ҳамён билан келиб, мендан қандайдир бир арзимас икки шекел қарзга беришимни сўраяпсан. Хўш, мен бунга нима деб жавоб бердим? «Мана менинг ҳамёним, мен ундаги борини бажонидил сен билан баҳам кўраман» дедимми? Йўқ, бунинг ўрнига мен ҳамёним худди сеникига ўхшаб бўм-бўш эканлигини тан олдим. Нега шундай? Нима учун бизда овқатга ҳам, кийим-кечакка ҳам етарли олтин ва кумушлар йўқ? Энди ўғилларимиз ҳақида ўйлаб кўр, – давом этди Беназир, – ахир уларнинг пешонасига ҳам худди оталариникидай тақдир битилган эмасми? Наҳотки улар ва уларнинг фарзандлари кейинчалик эса фарзандларининг оилалари ҳам бировларнинг дабдабали ҳаёти ҳамда бойлиги қуршовида фақат эчки сути ва бўтқа билан қаноатланиб яшашларига тўғри келади?

– Беназир, мен шунча пайтдан бери сен билан дўст бўлишимга қарамай, бирор марта ҳам сендан бундай гапларни эшитмаганман, – деди бироз ўйланиб қолган Кобби.

Беназир гапида давом этди: – Шу пайтгача бундай фикр ҳеч қачон миямга ҳам келмаган. Тонг саҳардан кечгача жон куйдириб ишладим, энг ажойиб араваларни ясадим ва қачонлардир худолар қилган меҳнатларимни муносиб баҳолаб, менга фаровон ҳаёт ато этишларига умид қилдим. Лекин оқибатда бундай бўлиб чиқмади. Мен кутиш бефойда эканлигини тушуниб етдим. Шунинг учун қалбим қайғуга бот-

ган. Мен бой бўлишни истайман, ерларим ва подаларим, чиройли кийимларим ва ҳамёним тўла пул бўлишини истайман. Бунинг учун устахонамда бор ғайратимни сарфлаб, тинимсиз ишлашга тайёрман, лекин шу билан бирга қилган меҳнатим муносиб тақдирланишини ҳам истайман. Бошқалардан нимамиз кам? Саволимни яна такрорлайман! Нима учун биз фаровон ҳаёт кечираётган инсонларга насиб қилган хурсандчиликларнинг ҳеч бўлмаганда озгинасига ҳам эга бўлолмаймиз?

– Қани энди бу саволга жавобни билсам! – хитоб қилди Кобби. – Менинг ҳаётим ҳам сеникидан ортиқ эмас. Лирадан келадиган даромад тез сарф бўляпти. Оилам оч қолмаслиги учун пулни ўйлаб ишлатишимга ва тежашимга тўғри келяпти. Менинг ҳам қалбим тўрида сақлаб юрган ниятим бор – қани энди катта лирага эга бўлсам, унинг жарангига шунақанги оҳанглари яратардим-ки, аъзойи баданинг жимирлаб кетарди. Бунақанги асбоб билан яратилган ушбу сеҳрли куй ҳатто подшоҳни ҳам ҳайратга солган бўларди.

– Ҳа, сен бундай лира соҳиби бўлишга муносибсан. Бутун Бобилда ҳеч ким уни сендан яхшироқ чалолмайди. Бошқа ҳеч ким нафақат подшоҳни, ҳатто худоларни ҳам ҳайратда қолдирадиган даражада уни майин куйлата олмайди. Лекин биз, худди подшоҳнинг қулларидек қашшоқ бўла туриб, бундай орзуни амалга ошира олармидик? Шовқинни эшитяпсанми? Улар келишяпти, – деб Беназир дарё томонидан шаҳарнинг тор кўчалари бўйлаб тепага узун саф тортиб бораётган, ярим-яланғоч, юзларидан тер томчилаётган сув ташувчи қулларга ишора қилди.

Қуллар ҳар бир қаторда бештадан бўлиб, сув тўлдирилган оғир чарм мешларнинг оғирлигидан икки букилиб боришарди.

– Олдинда бошлаб бораётган қулга қара, қандай келишган-а? – дея Кобби сафнинг бошида юксиз, бир текис қадам ташлаб бораётган забардаст полвонга ишора қилди, – Ҳойнаҳой у ўз юртида буюк одам бўлган бўлса керак?

– Ҳа, бу сафда муносиб эркаклар кўп, – гапига қўшилди Беназир, – худди сен билан мендек. Узун бўйли, малла соч шимолликлар, хуш табиатли жанублик қора танлилар, қўшни мамлакатдан пакана сариқ танлилар. Буларнинг ҳаммаси кун сайин, йил сайин дарёдан осма боғларга ва осма боғлардан яна ортга тинмай қатнашади. Бахтга эришишга ҳеч қандай умид йўқ. Уларнинг овқатлари – бўтқа, тўшаклари эса – сомондан ясалган бўйра. Бу бечораларга менинг раҳмим келади Кобби!

– Мен ҳам уларга ачинаман. Лекин сен барибир, мени, биз озод инсонлар бўлсак ҳам, қисматимиз фарқи уларникидан унчалик катта эмаслигига ишонтирмоқчи бўляпсан.

– Бу тўғри, Кобби, бундай хаёллар менга тинчлик бермаяпти. Ахир биз йилдан-йилга кулларча ҳаёт кечиришни истамаймиз-ку. Шунга қарамасдан, олдинда ҳаётнинг яхшиланишига ҳеч қандай умид бўлмаса ҳам ишлаш, ишлаш, ишлаш керак.

– Балки биз шунчаки бошқаларга маълум бўлган бой бўлиш сирларини билмасмиз? – сўради Кобби.

– Эҳтимол сен ҳақдирсан. Бунда қандайдир бир сир бор ва бу сирни фақатгина шу ишнинг усталаридан билиб олиш мумкин, – ўйланиб деди Беназир.

– Айнан бугун, – гап бошлади Кобби, – мен эски ошнаимиз Арқадни учратдим, у ўзининг олтин аравасида кетаётганди. Лекин, шуниси аҳамиятлики, у шаҳарнинг бошқа зодагонларига ўхшаб мендай фақир инсон билан ўзини катта тутгани йўқ. Аксинча, у кўчадагиларнинг ҳаммасига кўринарли қилиб оддий мусиқачи Кобби билан қўл беришиб дўстона саломлашди.

– Айтишларича, у Бобилнинг энг бой одами эмиш, – гўлдиради Беназир.

– У шунчалик бой-ки, ҳатто подшоҳнинг ўзи ҳам, хазинани тўлдириш ҳақида гап кетганида унга мурожаат қилади, – жавоб қилди Кобби.

– Шундай бойки, – гапни бўлди Беназир – мабодо Арқадни тунда учратиб қолсам, унинг тўла ҳамёнини тунаш истагидан ўзимни тия олмай қоламан, деб қўрқаман.

– Бўлмаган гап, – таъна қилди унга Кобби, – кишининг бойлиги ҳамёнининг қалинлиги билан ўлчанмайди. Тўла ҳамён ҳам агарда уни тўлдириб турадиган манба бўлмаса, тезда бўшаб қолади. Арқаднинг ҳар қандай сарф-харажат қилишига қарамасдан ҳамёнини ҳамиша тўлдириб турадиган даромади бор.

– Даромад – мана гап нимада! – хитоб қилди Беназир. Менга шундай ишончли даромад манбаи керак-ки, мен ҳозиргидай панжара устида ўтиришим ёки узоқ мамлакатлар бўйлаб саёҳатда бўлишимдан қатъий назар, у доимо ҳамёнимга пул келтириб туриши керак. Арқад ҳойнаҳой, даромад манбаини топиш йўлини билади. Нима деб ўйлайсан, у менинг бетартиб фикрларимга аниқлик кирита олармикан?

– Менимча, у ўзининг билимларини ўгли Номазирга ўргатган, – жавоб берди Кобби, – ахир айтишларича, отасининг ҳеч қандай ёрдамисиз, шаҳарнинг энг бадавлат одамларидан бирига айланган шу эмасми?

– Кобби, сен менга ажойиб ғоя бердинг, – Беназирнинг кўзларида ўт чақнади, – Ахир яхши дўстдан доно маслаҳат сўрасам, мenden ҳеч нарса кетмайди-ку, ҳар ҳолда Арқад менга бегона бўлиб қолмаган. Қолаверса, бизнинг ҳамёнларимиз лочин инидай бўм-бўш бўлиб қолганлиги ҳечам фожеа эмас. Бу нарса бизларни тўхтатмаслиги керак. Сенинг атрофинг бойликка тўла бўлган пайтда қашшоқ бўлиб қолиш уят. Биз бой бўлишни истаймиз. Юр, Арқаднинг ёнига бориб, ундан пул топиш йўлларини сўраймиз.

– Фикрларинг илҳомбахш, Беназир. Улар мени ҳам ўйлантириб қўйди. Назаримда, мен нима учун ҳалигача бойлик мазасини татиб кўрмаганлигимизнинг сабабини англай бошляпман. Менимча, биз уни ҳеч қачон ахтармаганмиз, ҳам. Сен сабр-тоқат билан араваларингни йўниб бу ишга бор кучингни сарфлардинг ва ниҳоятда ўз ишининг ҳақиқий

устасига айландинг. Мен эса иложи борижа яхши мусиқачи бўлишга ҳаракат қилдим ва бунга эришдим ҳам.

– Ҳа, биз ўзимизни баҳшида қилган ишларимизда муваффақиятга эришдик. Худолар ҳам биздан рози. Мана ниҳоят, кўзларимиз очилиб – олдимизда худди ёруғ нур чарақлагандай бўлди. У онгимизни равшанлаштирди ва биз ўзимизни бундан ҳам ортикроғига муносиб эканлигимизни тушуниб етдик. Ҳаёт сирларини янгидан англашимиз бизга истакларимизни муносиб тарзда амалга оширишимизга ёрдам беради. Кел, бу ишга ёшликдан бирга ўсган дўстларимизни ҳам таклиф этамиз, доно одамнинг гапларини эшитиш уларга ҳам асқотиши мумкин.

– Сен ҳамиша дўстларинг ҳақида қайғургансан, Беназир. Шунинг учун ҳам дўстларинг кўп. Майли, сен айтганча бўлақолсин, дўстларимизни олиб бугуноқ Арқаднинг олдига борамиз.

БОБИЛНИНГ ЭНГ БАДАВЛАТ ОДАМИ

Қадимий бобилда бир вақтлари Арқад исмли жуда бадавлат одам яшаб ўтган бўлиб, унинг бойлиги тилларда дoston бўлган. У саҳийлиги билан ҳам машҳур бўлиб, жуда катта хайрия ишлари билан шуғулланган. У оила бошлиғи сифатида ҳам жуда саховатли инсон эди. Ҳамиша тўкин-сочинликда яшаган... Шунга қарамасдан, йилдан-йилга унинг даромадлари сарф-харажатларидан кўра анча юқори бўлган.

Унинг ёшликдан бирга ўсган бир неча дўстлари бўлган. Кунлардан бир кун улар Арқаднинг олдига келиб шундай дейишган:

– Сен, Арқад, бизлардан кўра омадлироқсан. Бизлар кун кўриш учун курашиб юрган бир пайтда, сен Бобилнинг энг бадавлат одамига айландинг. Сен ҳоҳлаганингча энг чиройли кийимларни кийиб, энг тансиқ таомлардан лаззатлана оласан, биз эса кийим кийишда ва оиламизни боқишда

бор нарсаларнинг ўзига қувонамиз. Ахир бир вақтлари мавқеимиз ўзаро тенг бўлган. Бир муаллимдан таълим олиб бир хил ўйинларни ўйнаган бўлсак ҳам, на ўқишда, на ўйинда сен биздан устун бўлмагансан. Қолаверса, кейинчалик ҳам, узоқ йиллар давомида сен ҳам бизларга ўхшаб жуда ҳурматли фуқаро бўлиб келдинг. Агар ўйлаб қарасак, сен ҳечам бизлардан кўра кўпроқ ишламадинг. Унда айтчи, нега инжиқ тақдир ҳаётнинг барча қувончларини бериш учун, айнан сени танлаб, худди шундай бахтга лойиқ бўлган биздек одамларни четлаб ўтган?

Шунда Арқад уларга шундай жавоб берди:

– Агар сизлар ёшлик пайтларимиздан буён ўтган йиллар давомида зўрға кун кўришдан нарига ўтмаган бўлсангиз, демак сизлар ё фаровон ҳаёт қуриш қонунларини ўрганмагансиз, ё шунчаки, уларга амал қилмагансиз, холос. Тақдир ҳақиқатан ҳам инжиқ. У доимий бахтни ҳеч кимга шунчаки ато этмайди. Аксинча, у ўз меҳнати билан пул топмаган ҳар бир кимсага фақат муҳтожлик олиб келади. Йиққанларини бир зумда сарфлаб қўядиган «бойвачча»ларни уларнинг ўзлари қондиришга қодир бўлмаган иштаҳа ва истаклари билан юзма-юз қолдиради. Қандайдир кутилмаган сабаблар билан инжиқ тақдирнинг назарига тушганлар эса зиқна бўлиб қолишади ва бойликларини сарфлаб қўйишдан қўрқиб унинг устида қалтираб ўтиришади. Чунки ўзларида бойликни қайтадан тўплашга қобилият йўқлигини билишади. Улар талончилардан ҳам қўрқишади, натижада эса ўзларини беҳуда умр ва манфур қашшоқликка гирифтор қилишади. Қўлларига бойлик ўз-ўзидан келадиган ва уни кўпайтириб, бахтиёр яшаб юрган одамлар ҳам бор. Лекин бундай одамлар жуда оз, мен улар ҳақида фақат миш-мишлар орқали эшитганман. Ўзингиз ўйлаб кўринг: эҳтимол, танишларингиз орасида тўсатдан меросга эга бўлганлар бордир. Уларга нисбатан менинг гапларим қанчалик ҳақиқатлиги тўғрисида хулоса чиқариш ўзингизга ҳавола.

Арқаднинг дўстлари меросга эга бўлган ўз танишларини эслаб, унинг ҳақ эканлигини тан олишди. Арқаддан қандай қилиб у шундай фаровонликка эришганлигини тушунтириб беришини илтимос қилишди. Шунда у сўзида давом этди:

– Ёшлигимда мен дунёга назар ташлаб, одамга бахт ва ҳузур-ҳаловат берадиган кўп нарса борлигини кўрдим. Яна мен бойлик бундан ҳам кўпроқ бахт ва ҳузур-ҳаловатдан баҳраманд бўлишга имкон беришини тушундим. **Бойлик – бу куч. Бойлик ёрдамида кўп нарсага эришиш мумкин: уйингни ҳашаматли қилиб жиҳозлаш, узоқ денгизлар, чет элларга саёҳат қилиш ҳатто худолар йўлида ҳашамдор ибодатхоналар қуриб қалбингга қувонч ва мамнунлик бағишлайдиган яна кўп ишларни қилиш мумкин.**

Бунини тушуниб етганимдан сўнг мен дунёвий хурсандчиликларнинг бир қисмига эга бўлиш учун курашишга қарор қилдим. Мен бошқалар ҳаётдан лаззатланиб яшаётган бир пайтда уларга ҳасад билан четда қараб турмадим. Юпун кийимни бинойидек, деб қаноат қилмадим. Мени камбағаллик қисмати қониқтирмади. Ҳа, мен ҳаёт ўзи сайлаган одамлари учун ташкил қилган байрамнинг тўла ҳуқуқли меҳмони бўлишга қарор қилдим. Эсларингда бўлса, бир камбағал савдогарнинг катта оиласида ўсган мендек ўғилга мерос қолишидан ҳеч қандай умид йўқ эди. Аммо, сизлар тўғри таъкидлаб ўтганингиздек, алоҳида истеъдод ва донолик соҳиби бўлмай туриб, ўзим орзу қилган нарсаларнинг барчасига эришиш учун вақт ва билим керак деган қарорга келдим.

Вақт масаласига келсак, у ҳар биримизда етарлидан ҳам ортиқ. Сизлар бугунги вақтгача, шунчаки, ўз бойлигингизни ишлаб топишга сарфлаш мумкин бўлган қимматли дақиқаларни қўлдан бой бергансиз, холос. Шу билан бирга, сизлар ҳақли равишда ғурурланишингиз мумкин бўлган ўз оилаларингиздан бошқа ҳеч нарсангиз билан мақтана олмасликларингизни тан олмайсизлар.

Энди ўқиб-ўрганиш масаласига келсак, ахир доно муаллимимиз ўрганиш ҳар-хил бўлиши мумкинлигини – янги нарсани ўрганиш ва эслаб қолиш, ёки ўзинг учун номаълум бўлган нарсаларни кашф қилишга уриниб ақлингни чархлаш мумкин деб айтмаганмиди?!

Ана шунинг учун ҳам мен қандай қилиб бойлик тўплаш мумкинлигини тушуниб етишга қарор қилдим. Билиб олганимдан сўнг эса, буни ўз олдимга вазифа қилиб белгилаб, уни муваффақиятли ҳал қилдим. Чунки донолик ҳам, токи сен офтоб нурларида чўмилиб юрар экансан, ҳаётдан лаззатланишда эмасми? Ахир, вақти келиб қоронғуликка киргач, ғам-ғуссани татиб кўришга улгурасан-ку!

Мен шаҳар магистратидида ўзимга иш топиб, ҳаттотлик қила бошладим ва ҳар куни лойдан ясалган тахтачаларга матн битиб ўтирадиган бўлдим. Мен ҳафта сайин, ой сайин меҳнат қилсам ҳам ишлаб топганларим ҳаддан ташқари оз эди. Улар еб-ичишга ва арзимас кийим-кечакка зўрға етар эди. Шунга қарамай бой бўлиш ҳақидаги қароримни амалга оширишдаги қатъиятлик мени тарк этмади.

Ва ниҳоят, кунлардан бир кун магистратга судхўр Алгамиш келиб «Тўққизинчи қонун»дан нусха кўчиришга буюртма берди. Магистр менга шундай деди: «Бу ҳужжат икки кундан кейин қўлимда бўлиши керак. Агар топшириқ вақтида бажарилса, сен икки бронза тангага эга бўласан».

Мен кунт билан ишладим, лекин қонун узундан-узоқ экан. Алгамиш қайтиб келганида, унинг топшириғи ҳали бажарилмаган эди. У ғазабга минди. Агар мен унинг қули бўлганимда, яхшилаб дўппослаган бўларди. Лекин магистр ўз ишчисини майиб қилиб қўйишларига йўл қўймаслигини билганлигим сабаб, мен кўрқув сезмадим. Шунинг учун Алгамишга бундай дедим:

– Алгамиш, сиз жуда бадавлат одамсиз. Агар сиз менга қандай қилиб бой бўлиш сирларини айтиб беришга ваъ-

да қилсангиз, мен қўлэзма устида туни билан ишлайман,
арабсизки, тонг отгунча у тайёр бўлади».

У менга мийиғида кулиб шундай жавоб берди: «Сен жуда
пчил чиқиб қолдинг-ку, занғар. Майли, буни ўзаро битим деб
исоблаймиз».

Елкаларим зирқираб оғришига қарамасдан, мен кечаси
илан бошимни кўтармай ишладим. Жинчироқ пилигининг
идидан бошим тарс ёрилай дерди, кўзларим эса ҳарфларни
ўрға топарди. Лекин шунга қарамай у тонгда келганида
ўлэзма тайёр эди.

– Ана энди, – дедим мен Алгамишга, – ўз ваъдангизни ба-
аринг!

– Сен битимнинг ўзингга тааллуқли бўлган қисмини ба-
ардинг, – деди у юмшоқлик билан, – шунинг учун мен ҳам
имга тааллуқлисини бажармайман тайёрман. Мен сенга
ақат ўзинг билмоқчи бўлган нанини аниқчилигина гапириб бера-
ман, чунки қарий бошладим, қарий эзма бўлишади.

Аммо ёшлар қари одамлар сизга маслаҳат сўраб кел-
дилариди, улар йиллар давомидан келган ўтган доноликни
сизга аниқлашади. Лекин тўғрисида келган ёшлар кўпинча
қарий доноликнинг бари уларга шунинг учун
пажак билан маслаҳатлар яқин келтирилади.

Лекин сизга шундан тўғрида шундан тўғрида шундан тўғрида
қилгани, сизга шундан тўғрида шундан тўғрида шундан тўғрида
дди шу сизнинг урғун сенинг урғун сенинг урғун аждо-
нг қорон сизнинг урғун сенинг урғун сенинг урғун аждо-
ди.

қилиқдаги у сизнинг урғун сенинг урғун сенинг урғун аждо-
қилиб юри сизнинг урғун сенинг урғун сенинг урғун аждо-
рога, сизнинг урғун сенинг урғун сенинг урғун аждо-

Лекин сўзларимни яхшилаб эслаб қол, акс ҳолда, мен сенга очадиган ҳақиқатни тушуна олмай, тунги меҳнатинг беҳуда кетади.

Кейин у менга ўзининг қалин қошлари остидан тикилиб қараб йўғон ва қатъиятли овози билан: «**Мен бойликка олиб борадиган йўлни ишлаб топган пулимнинг бир қисмини ўзимга қолдиришга қарор қилганимдан кейин кашф этдим. Сен ҳам буни эслаб қол!**» – деди ва яна ўзининг ўткир нигоҳи билан менга тикилиб туриб узоқ сукут сақлаб қолди.

– Бор-йўғи шуми? – ҳайрон бўлиб сўрадим мен, – Ахир мен нимаики ишлаб топган бўлсам, бари меники-ку, шундай эмасми?

– Ҳечам ундай эмас, – жавоб берди Алгамиш, – Масалан, тикувчига ҳақ тўлайсанми? Ахир Бобилда пул сарфламасдан туриб яшаб бўладими? Ўтган ойда ишлаб топган пулларингдан ўзингга нима қолди? Ўтган йилдаги даромадингдан-чи? Эҳ, аҳмоқ! Сен ўзингдан бошқа ҳаммага ҳақ тўлайсан. Ақлсиз, сен бошқалар учун ишлайсан. Бу худди қул бўлиб, овқат ва ўлим учун хўжайинга хизмат қилгандай гап. Лекин агар ишлаб топганларингни ўндан бир қисмини ўзингга қолдиришга, ўн йилда қанча пул йиғилади, ҳисоблаб кўр-чи!

– Математикадаги билимларим панд бермай мен жавоб бердим: «Бир йилда ишлаб топганимчалик». Фақат қисман ҳақсан, – эътироз билдирди Алгамиш, **элиб кўйган ҳар бир тилла сенинг қулингга айла-фойдангга ишлай бошлайди.** Ушбу тилла тангалар ишлаб топилган ҳар бир сариқ чақа ҳам сенга дароира бошлайди. Агар сен бой одамга айлансанг, ҳам эмфарганларинг ҳамиша фойдангга ишлаб туриши келатди. Шундагина сен ўз бойликларингни кўпайтира олатимол, мени алдаяпти, деб ўйлаётгандирсан. Эҳтимол, эчам ўз ишинг учун муносиб тўлов деб ҳисобламассан, м этди у, – лекин менинг ҳақиқатимни тушунишга ақлинг мен сенга ваъда берганимдан кўра минг карра кўпроқ нимга амин бўласан.

249982

Сен ишлаб топган пулларнинг бир қисми шахсига тегишли. Бу улуш, қанчалик даражада арзимас топган пулларнингнинг ўндан бир қисмидан кам бўлиши керак. **Биринчи навбатда ўз ҳақингни шахсан тўла.** Овқатга ҳам, ҳайрия ва садақа қилишга ҳам топган маблағдан ортиб қолган пулнигина тикувчи ва сарфла.

Бойлик ҳам, худди дарахтдек, зиғирча уруғ чиқади. Сен четга олиб қўйган ўша биринчи сариқ вақти келганда бойлигинг дарахтнинг сатида ўсиб чиққан уруғ бўлиб сенга хизмат қилади. Дарахтни жамғармаларнинг билан озиклантириб, қоригиб, қоя яхши парвариш қилсанг, ундаги янги уруғнинг шивидан шунчалик тез лаззатлана бошлайди.

Бу гапларни айтиб бўлгач, Алгамиш келмади. Олиб кетиб қолди. Мен унинг айтганларини эсимда ўйладим ва улар оқилона эканлигига амин бўлдим. Учун бу гапларнинг кучини амалда синаб кўрдим.

Эндиликда, маошимни олганимда, ишлаб топган пулдан ҳар бир ўнинчи тангани четга – панароқ жойга қўядиган бўлдим. Энг қизиғи шундаки, бундай қилганим мен қашшоқроқ бўлиб қолганим ҳам йўқ. Сарф-харажат камроқ пул қолаётганини эса мен деярлик сезмадим.

Тўғриси айтсам, финикия ерларидан кемаларда келинаётган туялар ва пештахталарга қўйилган нарсалар биронтасини сотиб олиш истаги тез-тез кўнглимга васил солиб турарди. Лекин мен донолик билан ўзимни тиярдим.

Орадан ўн икки ой ўтгач Алгамиш яна олдимга келиди. – Қани айт-чи ўғлим, йил давомида ишлаб топганларингнинг ўндан бир қисмини ўзинга тўлаяпсанми? – деб сўради.

Мен мағрурлик билан жавоб бердим: – Ҳа, устоз, тўлаяпман.

– Бу яхши, – деди у юзи ёришиб, – Хўш, бу пулларни нима қилаяпсан?

– Мен виждонан ўзимга ҳақ тўлаб келаяпман, – жавоб бердим мен, – ва ўз жамғармаларимни темир сотиб олиш учун қалқон яшаш устаси Аггирга ишониб топширдим. Ҳар тўрт ойда у менга улушимни йиғиб беради.

– Бу яхши. Хўш, ўз улушингни сен нима қилаяпсан?

– Ўзимни асал, ажойиб шароб ва хушбўй ноз-неъматлар билан меҳмон қилиб байрам уюштираяпман. Бундан ташқари ўзимга янги чопон сотиб олдим. Энди эса миниб юриш учун битта эшак сотиб олмоқчиман.

Бунга жавобан Алгамиш кулиб юборди: «Ахир сен жамғармаларинг дунёга келтирган болаларини еб юборяпсан-ку! Қандай қилиб улар сенинг фойданга ишлаши мумкин?! Қандай қилиб уларнинг болалари ўзига ўхшаганларни туғиши мумкин?! Аввал сен олтин қуллар армиясига эга бўлиб олишинг ва фақат шундан кейингина ўзинг учун бемалол дабдабали зиёфатлар уюштиришинг мумкин».

Шу гапларни айтиб у яна ғойиб бўлди.

Шундан буён мен Алгамишни икки йил кўрмадим. Ниҳоят бир куни у яна меникига келди. Унинг юзини чуқур ажинлар босиб, кўзлари киртайиб кетган, у жуда қариган эди.

Алгамиш менга шундай деди: – Арқад, сен ўзинг орзу қилган бойлик чўққисига эриша олдингми?

– Ҳозирча йўқ, лекин тузуккина жамғармаларим бор ва улар менга даромад келтира бошлади.

– Сен ҳозир ҳам илгаригидек қурувчилар маслаҳатидан фойдаланяпсанми?

– Фишт теришда улар менга яхши маслаҳат беришяпти, – бўш келмадим мен.

– Арқад, – давом этди Алгамиш, – сен сабоқни яхши ўзлаштирдинг. Аввал сен ишлаб топаётган маблағингдан кўра сал камроқ маблағга яшашни, сўнг пул топишни, уни сақлаш ва идора қилишни яхши ўргандинг. Шунинг учун сен масъулиятли лавозимни эгаллашга тўла-тўқис тайёрсан. Мен қарияпман. Ўғилларим фақат пул сарфлашни билишади, ле-

кин уни қандай топиш мумкинлиги тўғрисида ҳатто тасаввурлари ҳам йўқ. Менинг жудаям катта мулким бор. Қўрқаманки, уни бошқаришга энди кучим етмайди. Агар сен Ниппурга бориб менинг мулкимни бошқаришга рози бўлсанг, мен сени ўзимга ҳамкор қилиб олган бўлардим ва сен менинг бойликларимдан ўз улушинга эга бўлардинг. Бунга нима дейсан?

Шундай қилиб, мен Алгамишнинг таклифига розилик билдириб, Ниппурга жўнадим. Унинг оз бўлмаган кўчмас мулкни бошқариш ишига киришиб кетдим. Менинг нафсониятим кучли бўлганлиги ва бунинг устига муваффақиятнинг учта қонунини яхши ўзлаштирганлигим сабабли, унинг мулкидан келадиган даромадларни кескин оширишга муваффақ бўлдим. Натижада, мен ҳам бундай ишдан ўзимга катта бойлик орттирдим. Алгамишнинг руҳи Арши аълога кўтарилиб кетганидан кейин, у васият қилганидек, қонуний равишда мероснинг бир қисмига эга бўлдим.

Арқад шу ҳикоясини тугатганидан кейин, дўстларидан бири шундай деди:

– Алгамиш сенга мерос қолдирганлиги ҳақиқатан ҳам омадинг юришганлигидан далолат беради.

– Аслида, омадим юришганининг сабаби менда бойиш истаги у билан учрашишдан ҳам олдинроқ пайдо бўлганлигидадир. Ахир ўз даромадларимнинг ўндан бир қисмини жамғариб юрган ўша тўрт йил давомида мен белгиланган мақсадга эришишга қодир эканлигимни исботладимми? Қолаверса, моҳир балиқчининг йиллар давомида балиқларнинг одатларини ўрганиб ҳар қандай оби-ҳавода ҳам тўрни қаерга ташлам кераклигини билгани учун «у омадли балиқчи», деб атайсизми?

Омад – бу ҳар қандай шароитда ҳам ундан вақтида фойдаланиб қолишга тайёр бўлмаган одамга вақтни сарфлаб ўтирмайдиган қудратли илоҳиёт.

– Сен биринчи йили йиғган жамғармаларингнинг баридан айрилиб қолганингда ҳам ўзингни йўқотиб қўймадинг. Бу сенинг жуда кучли ирода соҳиби эканлигингдан далолат

беради. Бу маънода сен мутлақо бошқачасан, – деб гапга қўшилди дўстларидан яна бири.

Кучли ирода?! – эътироз билдирди Арқад, – Бемаънилик! Наҳотки кучли ирода одамга туя ҳам кўтара олмайдиган ва энг кучли буқа ҳам ўрнидан қўзғата олмайдиган юкни кўтаришга ёрдам бериши мумкин деб ўйласанг?! **Кучли ирода – бу сен ўзинг учун белгилаб қўйган вазифани қандай бўлмасин бажаришга қатъий қарор қилишдан бошқа ҳеч нарса эмас.** Агар мен ўз олдимга бирон-бир вазифани қўядиган бўлсам, у қанчалик даражада мураккаб бўлиб кўринишидан қатъий назар, мен уни бажаришим керак. Акс ҳолда, қандай қилиб менда жиддий ишга қўл уриш учун ўзимга ишонч пайдо бўлиши мумкин?

Мисол учун, мен ўзимга «Юз кун давомида кўприкдан ўта туриб ҳар куни йўлдаги бир тошни олиб дарёга ташлайман» деб айтсам, мен бу ишни албатта бажараман. Агар еттинчи кунга келиб мен ўз олдимда қўйган вазифани унутиб қўйсам, «эртага иккита тош ташларман, – нима фарқи бор» деган гаплар билан ўзимни овунтириб ўтирмайман. Бунинг ўрнига мен орқага қайтаманда ўтказиб юборилган тошни ташлайман. Йигирманчи кунга келиб эса мен: «Арқад, бу беъмани иш. Нимага энди ҳар куни, албатта, битта тош ташлаш керак? Бирданига бутун бир уюмни ташлаб юборақол!» деб айтмайман ҳам, қилмайман ҳам. Мен ўз олдимга вазифа қўйдимми, демак, уни албатта бажаришим керак. **Айнан шунинг учун ҳам, ўз гарданимга қийин ёки бажариб бўлмайдиган вазифаларни олмайман. Чунки менинг хотиржамлигим мен учун ҳаддан ташқари қадрлидир.**

Шунда суҳбатга дўстлардан яна бири қўшилиб деди:

– Арқад, сен айтиб берган нарсалар ҳақиқатан ҳам ростлигига гумоним йўқ. Сенинг гапларинг ҳам оқилона, ҳам ҳаётий тажрибага бой. Бундан келиб чиқади-ки, шундай од-

дий қоидаларга амал қилиш билан ҳар қандай одам ҳам бой бўлиб кетиши мумкин экан-да?

– **Бойлик фақат одамнинг гайрати билан яратилади,** – жавоб қилди Арқад, – Агар бой ўзига сарой қураётган бўлса, сизнингча унинг сарфлайдиган олтинлари зое кетадими?.. Йўқ, олтиннинг бир қисмини уста олади, бир қисмини – ишчи, бир қисмини деворларни безайдиган рассом... Натижада, сарой қурилишида қатнашаётган ҳар бир одам шу олтинлардан ўз улушини олади. Қуриб битказилганидан кейин-чи, ушбу сарой маълум бир қийматга эга бўлмайдими, ахир? Сарой жойлашган ернинг ўзи-чи, унинг қиймати ўз-ўзидан ошмайдими? Худди шунга ўхшаб, сарой атрофидаги ерларнинг қиймати ҳам ошмайдими?

Бойлик жуда антиқа тарзда ўсади. Ҳеч ким унинг чегараларини олдиндан айтиб беришга қодир эмас.

Айтмоқчи, финикияликлар саҳродан иборат қирғоқларда баҳайбат шаҳарларни савдодан топган олтинлари ҳисобига қуришган.

– Унда, бизлар ҳам бойиб кетишимиз учун сен нима деб маслаҳат берардинг? – сўради дўстларидан бири, – Йиллар ўтиб кетди, ёшимиз ҳам навқирон эмас, лекин, барибир, зарурат чиқиб қолса ишлатишга асраб қўйган ҳеч вақомиз йўқ.

– Мен сизларга, Алгамишнинг доно маслаҳатларидан фойдаланиб, ўзингизга: «**Ишлаб топаётганларимнинг бир қисми меники**», деб айтишингизни маслаҳат берардим. Бу сўзларни эрталаб, уйқудан уйғонганда айтинг. Кун ярмида уларни яна такрорланг. Кейин кечкурун ҳам. Бу гапни ўзингизга ҳар соатда гапиринг. Бу сўзлар доим кўз олдингизда турадиган бўлгунича такрорлайверинг.

Бу гоя бутун вужудингизни эгаллаб олсин. Барча ўй-фикрларингиз унга йўналтирилган бўлсин. Кейин эса, даромадларингизнинг қанча миқдорини жамғариш учун олиб қўйишингиз мумкинлигини белгилаб олинг. Жамғармангиз даромаднинг ўндан бир қисмидан кам бўлмаслигига ҳаракат қилинг ва шу заҳоти уларни четга олиб қўйинг. **Тез орада**

сиз фақат ўзингизнинг ҳаққингиз бўлган хазинанинг эгасига айланиш туйғуси нақадар буюк туйғу эканлигини тушуниб етасиз. Жамғармаларингиз кўпайган сайин, бу туйғу фақат мустаҳкамланиб боради ва сиз учун жуда катта рағбатлантирувчи кучга айланади. Сизнинг ҳаётингиз янги, қувончли туйғу билан тўлади. Сиз янада кўпроқ пул ишлаб топишга имкон берадиган куч ва ғайратга тўлиб бораётганингизни ҳис қиласиз.

Кейин эса ўз хазинангизни сизнинг фойдангизга ишлашига мажбур қилинг. Уни ўз қулингизга айлантинг. Улар болаласин ва болалари ҳам сизнинг фойдангизга ишлайдиган бўлсин.

Келажагингизга даромадни таъминлаб қўйинг. Қариган одамларга бир назар ташланг, унутманг-ки, орадан йиллар ўтиб, сиз ҳам уларнинг сафига қўшилиасиз. Шунинг учун ўз пулларингизни, токи улардан ажралиб қолмай десангиз, эҳтиёткорлик билан ишга солинг. Сармоялардан юқори фойизли даромадларни ваъда қиладиган судхўрларнинг оғиз кўпиртиришлари – соддадил одамларни алдаб ўзига жалб этиб, охир-оқибатда уларни хонавайронлик қисматиға гирифтор қиладиган ширин ёлғондан бошқа ҳеч нарса эмас.

Оилангиз муҳтожликда яшамаслигини таъминланг, чунки худолар бизни ўз салтанатиға қачон чақириб олишини билмаймиз. Бу мақсад учун ҳам ўз жамғармаларингизни йиғиб боринг. Узоқни кўзлайдиган одамлар бундай вазиятларни ҳам назардан четда қолдирмайдилар.

Маслаҳатни доно одамлар билан қилинг. Ёрдамни ҳамиша пул билан муомала қиладиган одамлардан ахтаринг. Токи улар Азмурнинг маслаҳатиға ишониб, мен йўл қўйган хатоға ўхшаш вазиятлардан сизни сақлаб қолишадиган бўлсин. Даромадингиз оз бўлса ҳам, лекин бехатар бўлсин.

Токи тирик экансиз, ҳаётдан лаззатланинг. Ҳаддан ташқари чиранманг ва сарф-харажатнинг оқилона миқдоридан кўпроғини тежашға ҳаракат қилманг. Агар даромад-

ларингизнинг ўндан бир қисмини жамғариб туриб ҳам, қулай шароитда яшаб юрган бўлсангиз, шу миқдорда тўхтанг. Даромадга қараб буромад қилинг, лекин пулни сарфлашдан ҳам қўрқманг. Ҳаёт жуда бой ва унинг неъматларидан воз кечишнинг кераги йўқ.

Дўстлари унга миннатдорчилик билдириб, қайтиб кетишди. Айримлари эса шунчаки, индамай кетаётган эди, чунки уларда тасаввур қилиш қобилияти унчалик бой эмас, Арқад айтган гапларнинг маъносини етарли англашмаганди. Кимларнингдир бу суҳбатдан ҳафсаласи пир бўлиб, мийиғида кулиб «шундай бадавлат одам ўзининг омади юришмаган дўстлари билан шунчаки моддий ёрдам бериб бўлишиши керак эди», деб ўйлаб кетишарди.

Лекин айримларининг кўзлари чақнаб турарди. Чунки улар Алгамишнинг вақти-вақти билан ҳаттот-Арқад олди-га беҳудага келиб кетмаётганлигини англашарди. Алгамиш қашшоқ Арқаднинг зимистондан ёруғлик томон йўл очиб бораётганлигини кузатарди. Ёруғликка чиқиб олган захоти эса, ўзига тайёрлаган жойни эгаллаб олди. Чунки ҳаётда ҳеч ким ўз ўрнини, токи масъулият юқини муносиб даражада кўтариб юришга тайёр эмас экан, шунчаки эгаллашга қодир эмас.

Арқаднинг сўзлари маъносини тўғри тушуниб етганлар кейинчалик ҳам унинг ёнига қайта-қайта бориб туришди. У дўстларини очиқ кўнгил билан кутиб оларди. Арқад катта ҳаётий тажрибага эга бўлган одамларга хос бўлганидек, уларга қимматли маслаҳатлар берарди. Ўзининг доно фикрларини улар билан баҳам кўрарди. Уларнинг жамғармаси нафақат йўқолиб кетмаслиги, балки кўшимча даромадлар ҳам келтириши учун фойдали сармоялар қилишларига ёрдам берди.

Алгамиш Арқадга, Арқад эса дўстларига очиб берган ҳақиқатни тушуниб етган кун одамларнинг тақдирида мўъжизакор бурилиш ясалган кун бўлди: «Ўзинг ишлаб топган пулларнинг бир қисми ҳақли равишда сеникидир».

БОЙЛИКНИНГ БЕШ ҚОНУНИ

Бобилда бадавлат одамларнинг ўғиллари мерос кутиб ота-онаси билан бирга яшаши одатга айланган. Арқад бу одатни маъқулламас эди. Шунинг учун у ўғли Номазир вояга етгач, унга шундай сўзлар билан мурожаат қилди:

– Ўғлим, сен менинг бойликларимга ҳозирданоқ эгалик қила бошлашингни истайман. Лекин бундан олдин сен уларни бошқаришга қодир эканлигингни исботлашинг керак. Авваломбор, сен дунёни кезиб, олтин топиш қобилиятингни намоён этишингни, қолаверса, одамлар ҳурматиغا сазовор бўлишингни истайман. Бунинг учун ёшлигимда менинг ўзимда бўлмаган иккита имкониятни сенга яратиб бераман. Биринчидан, мен сенга бир халта олтин бераман. Агар сен уни ақл билан ишлатсанг, бу сенинг келажакдаги муваффақиятингга асос бўлади. Иккинчидан, сенга лойдан ясалган тахтачада бойликнинг беш қонуни ёзиб қўйилган жадвални совға қиламан. Агар уларга амал қиладиган бўлсанг, нафақат олтин тўплай оласан, балки уни сақлаб қолишга ҳам қодир бўласан. Ўн йилдан кейин отанг олдига қайтиб келиб ўз ишларинг тўғрисида ҳисобот берасан. Агар мен уларни муносиб деб топсам, сени ўз мулкимнинг вориси қиламан.

Шу тарзда Номазир бир халта олтин, ипак матога авайлаб ўралган жадвал, бир қул ва отлар билан йўлга чиқди.

Орадан ўн йил кўз очиб-юмгунча ўтиб кетди. Номазир, олдиндан келишилганидек, отасининг уйига қайтиб келди. Отаси дўстлари ва қариндошларини таклиф қилиб, ўғлининг соғ-омон қайтиб келганига катта зиёфат уюштирди. Зиёфат ниҳоясида ота билан она ҳашаматли меҳмонхонанинг тўридаги тахтиравонларини эгаллашди. Номазир эса ваъда

қилинганидек, ўз ютуқлари тўғрисида гапириб бериш учун уларнинг рўпарасига келиб турди.

Оқшом пайти, ҳашаматли меҳмонхонанинг хира ёруғлигида мой пиликдан чиққан майда тутун излари кўринар эди. Оқ кийимларга кийинган қуллар пальма дарахтининг япроғидан ясалган елпиғичлар билан нам ҳавони бир маромда ҳар томонга тарқатиб турардилар.

Бўлаётган маросим жуда тантанавор тусда кўринар эди. Номазирнинг хотини ва унинг иккита ўғли, дўстлар ва қариндошлар, улар учун тўшаб қўйилган гиламлар устига жойлашиб бўлажак суҳбатни тинглашга тайёрланишди.

– Отажон, – деди Номазир, ҳурмат-эҳтиром билан, – мен сизнинг донолигингиз олдида бош эгаман. Ўн йил олдин, мен балоғат ёшининг бўсағасида турганимда, бойликларингиз хизматчиси бўлиб қолиш ўрнига, сиз мени олға юриб, ҳаётда ўз ўрнимни топишга мажбур қилдингиз. Сиз менга олтинларингизни ишлатиш ҳуқуқини бердингиз. Ўз донолигингизни саҳийлик билан баҳам кўрдингиз. Лекин олтин – оҳ, отажон! Тан оламан, унинг орқасида мен кўп нарсани бошимдан ўтказдим. У ҳечам менинг тажрибасиз қўлларимда қолишни истамасди. Ўша олтинлар мендан, худди ёш овчидан кўрққан ёввойи қуёндек қочар эди.

Уни тушунаётган ота табассум қилди: «Давом эт, ўғлим, ҳикоянг барча икир-чикирларигача мени қизиқтиряпти».

– Мен олдин Ниневияга жўнашга қарор қилдим. Бу шаҳар эндигина ривожлана бошлаган ва у ерда ўзимни намоён этиш имконияти бор эди. Мен йўлда шу томонга кетаётган карвон йўловчиларига қўшилдим ва ўзимга кўп дўстлар ортирдим. Улар орасида иккита йигит ҳам бор эди. Уларнинг оқ оти нафақат чиройлилиги, балки шамолдан ҳам учқур эканлиги билан ажралиб турар эди. Саёҳатимиз давомида йигитлар менга Ниневияда ўзининг учқур оти билан фахрланадиган ва ундан ҳеч бир от ўза олмаслигига ишонган бир бой яшашини айтишди. Ўша бой ўзининг отини Бобил салта-

натидаги энг чопқир от деб, ҳар қандай пулга гаров ўйнашга тайёр экан. Лекин менинг янги дўстларим ўзларининг оқ оти олдида ўша бойнинг мақталган оти – миясиз эшакдан бошқа ҳеч нарса эмаслигини ва уни енгиш учқур оқ от учун арзимас бир иш эканини бир овоздан тасдиқлашди.

Менга яхшилик қилиш тариқасида уларга қўшилиб, бўлғуси пойгада гаровга пул қўйишим мумкинлигини таклиф қилишди. Мен уларнинг ғояси билан қизиқиб қолдим.

Пойгада бизнинг отимиз шармандаларча мағлуб бўлди. Мен эса деярли барча олтинларимдан айрилдим. Бу гапни эшитган ота хахолаб кулиб юборди.

Кейинчалик билсам, бу навбатдаги қурбонни ахтариб, ҳамиша карвонлар билан бирга саёҳат қилиб юрадиган фирибгарларнинг ёвуз режаси экан. Гап шундаки, Ниневиялик бой уларнинг шериги бўлиб, ўз даромадларини уччаласи ўзаро тақсимлашар экан. **Бу алдов менга ҳаёт кўрсатган биринчи сабоқ бўлди.**

Лекин тез орада ҳаёт менга худди шундай аччиқ бўлган иккинчи сабоғини ҳам берди. Карвон билан бирга саёҳат қилиб мен яна бир ёш йигит билан танишдим. У бадавлат одамларнинг фарзанди экан ва худди менга ўхшаб, ўзига муносиб иш топиш учун Ниневияга бораётган экан. Шаҳарга етиб келганимиздан кейин, тез орада у менга ажойиб бир янгиликни айтди: бадавлат бир савдогар қазо қилибди ва унинг барча молларини ва бошқа мулкларини арзон баҳода сотиб олиш имкони пайдо бўлибди. Дўстим бу ишда менга тенг ҳуқуқли шерик бўлишни таклиф қилди. Лекин олтин олиб келиш учун у аввал Бобилга қайтиб келиши керак эди. Имкониятни қўлдан бой бермаслик учун, у бизнинг ишимизга сармоя кириши мақсадида менинг пулларимдан фойдаланишни таклиф қилди. Ўз олтинларини эса кейинроқ қўшишга ваъда берди.

У Бобилга бориб келишни пайсалга солди. Шу вақт давомида ўзини лапашанг харидор ва исрофгар бойвачча сифатида намоён қилди. Охир-оқибат мен уни ёнимдан хайдаб юбордим. Лекин бу пайтга келиб бизнинг ишимиз

шунчалик даражада орқага сурилиб кетди-ки, захирамиздаги қолган моллар ҳеч нарсага ярамас, бошқаларини сотиб олишга эса олтин қолмаган эди. Савдонинг арзимас қолдиқларини мен бир исроиллик кишига деярли текинга бериб юбордим.

Айтиш керак-ки, отажон, бу воқеалардан кейин тақдиримга оғир кунлар кириб келди. Мен иш ахтардим, лекин бари бесамара эди, чунки менда на усталик кўникмалари ва на пул топиш қобилияти бор эди. Мен ўз отларимни ва қулимни сотдим. Овқат ва бошпанага эга бўлиш учун ортиқча кийим-кечакларимни ҳам сотдим. Лекин ҳаётимда кундан-кунга муҳтожлик сеза бошладим.

Айнан мана шундай аччиқ дақиқаларда сизнинг менга бўлган ишончингизни эсладим. Сиз, отажон, одам бўлишим учун мени узоқ юртларга жўнатдингиз ва мен сизнинг ишончингизни оқлашим керак эди.

Онаси ўғлининг гапларини бошини эгиб, қўллари билан юзини бекитган ҳолда жимгина йиғлаб эшитарди.

– Ўшанда, бойликнинг беш қонуни ёзилган лойдан ясалган тахтача эсимга тушди.

Мен диққат билан сизнинг доно фикрларингизни ўқиб чиқдим, отажон, ва бир нарсага амин бўлдим. Агар бу ишни олдинроқ қилганимда – мен ўз олтинларимдан айрилмаган бўлардим. Мен ҳар бир қонунни ёдлаб олдим ва қатъий бир қарорга келдим: кейинги сафар омад менга кулиб боққанида, мен ёшликнинг тажрибасизлигини эмас, балки катталар донолигини ўзимга йўлбошчи қилиб оламан.

Бугун бу ерда йиғилганларнинг фойдаси учун бундан ўн йил олдин отам менга ёзиб берган доно фикрларни ўқиб бераман.

1. Олтин ўзининг ва ўз оиласининг келажагини таъминлаш учун ишлаб топилган пулнинг ўндан бир қисмини жамғариб қўйганларга талпинади.

2. Олтин уни даромад келтирадиган ишга сармоя қиладиган эгасига тўла куч билан хизмат қилади.

3. Олтин ҳимояга муҳтож бўлади, шунинг учун эҳтиёткорликни ва доно одамларнинг маслаҳатини афзал кўради.

4. Олтин одам ўзи яхши билмаган соҳада уни ишлатишга мажбур қилишларини ёмон кўради.

5. Олтин бойлик тўғрисидаги хом хаёл орзуларни амалга ошираман, деб уни қалтис ёки пухта пишитилмаган ишларга сарфлайдиган одамдан қочади.

Отам ёзган бойликнинг беш қонуни мана шулардан иборат. Улар олтиннинг ўзидан ҳам қимматлироқ эканлигига мен аллақачон амин бўлдим ва бу тўғрида ҳали яна гапириб бераман.

Номазир яна отасига қаради ва гапида давом этди:

– Билимсизлик ва тажрибасизлик мени қандай қашшоқлик ва умидсизликка олиб келганлиги тўғрисида юқорида айтиб ўтган эдим. Лекин, қачон бўлса ҳам тугаб битмайдиган азобуқубатларнинг ўзи йўқ. Менинг оғир кунларим шаҳарнинг ташқи деворининг қурилишида ишлаётган қулларга назоратчи бўлиб ишлай бошлаганимдан кейин тугади.

Бойликнинг биринчи қонунини ўқиб олганимдан кейин мен ҳар бир маошимдан бир чақани четга олиб қўя бошладим. Ҳар сафар имконият туғилганида ҳамёнимга кумуш танга ҳам солиб қўяр эдим. Пулни жамғариш жараёни менга жуда зерикарли ишдек туюларди. Аксига олиб бу пулларни ишлатмай сақлаш менга азоб берарди. Чунки ёшлигим сабабли менда тўлақонли яшаш истаги кучли эди. Мен пулларни жуда тежаб ишлатишга ҳаракат қилардим. Чунки ўн йилдан кейин отамнинг олдига у менга берган бир халта олтин билан қайтишга қатъий қарор қилган эдим.

Кунлардан бир кун назоратчи дўстларимдан бири мендан сўраб қолди: «Сен ёшсан, лекин сарф-харажатларда жуда камтарсан. Ўзинг ишлаб топаётган пулларнинг бир қисмини йиғиб қўйяпсанми?»

– Ҳа, – деб жавоб бердим, – Менинг энг катта истагим – отам менга ишониб берган ва мен шунчаки уқувсизлигим ту-

файли йўқотганларимни отамга қайтариб бериш учун жуда кўп олтин йиғиш.

– Бу жуда муносиб мақсад. Айт-чи, ўзинг йиққан олтинларинг сенинг фойданга ишлаши ва янада кўпроқ олтин келтириши мумкинлигини биласанми?

– Менинг аччиқ тажрибам бўлган. Отамнинг олтинлари мени тарк этишди ва бу ҳол яна такрорланишидан мен жуда кўрқаман.

– Агар сенда менга нисбатан ишонч бўлса, мен сенга олтинни даромад кетирадиган сармояга айлантиришни ўргатаман, – жавоб берди дўстим.

– Бир йил давомида шаҳарнинг ташқи деворлари қурилиши охирига етказилади. Кейин шаҳарга кирадиган ҳар бир жойга уни душманлардан сақлаб турадиган бронзадан ясалган дарвозалар ўрнатилади. Менинг режам жуда оддий: бизлар, бир неча одам бўлиб, олтинларимизни қўшамиз ва бу ерлардан узоқда жойлашган мис ва қалай конларига борадиган карвон тайёрлаймиз, кейин эса шаҳарга дарвоза учун темир олиб келамиз. Подшоҳ дарвоза олишга буйруқ бериши билан, унга зарур темирни фақат биз етказиб беришимиз мумкин бўлади ва подшоҳ бу иш учун бизларга катта пул тўлайди. Мабодо подшоҳ темирни биздан сотиб олишни истамаса, биз уни, барибир, бозорда баланд нархда сотишимиз мумкин бўлади.

Унинг таклифида мен учинчи қонундан фойдаланиш ва ўз бойлигимни доно одамнинг маслаҳати билан сармоя қилиш имконини кўриб қолдим ҳамда бу ишга қўл урганимдан афсусланмадим. Биз бошлаган иш муваффақиятли бўлиб чиқди ва у амалга ошганидан кейин менинг арзимас олтин заҳирамнинг миқдори кескин даражада кўпайди.

Кейинроқ мен худди шу гуруҳ билан бошқа ишларда ҳам ҳамкорлик қилдим. Менинг ҳамкорларим маблағни фойдали сармояга айлантириш масаласида доно одамлар экан. Сармоядорларнинг ҳуқуқлари ҳеч бир жиҳатдан поймол бўлмаслиги ва иложи борича кўпроқ даромад оли-

ши учун улар ўзларининг ҳар бир ҳаракатини пухталиқ билан режалаштирар эканлар. Менинг тажрибасизлигим туфайли дастлаб ўйнаган пойгам ёки кўр-кўрона савдо каби аҳмоқликларим ўз-ўзидан маълумки, одамлар орасида шу заҳоти лўттибозликдай фош бўларди.

Бу одамлар билан ҳамкорлик қилиб мен ўз маблағларимни хавф-хатарсиз ва фойдали ишлатишни ўргандим. Вақт ўтган сайин менинг бойлигим тез суръатлар билан ўса бошлади. Мен йўқотган олтинларимни нафақат қайтадан топишга, балки уларни кўп баробар кўлайтиришга ҳам муваффақ бўлдим.

Шу кунгача бўлган ҳаётим давомида яхши-ю ёмон кунларда, аччиқ тажриба ва муваффақиятларда – бойликнинг беш қонунни шаклидаги отам берган насиҳатни синаб кўрдим. Бу маслаҳатлар менга бирон марта ҳам панд бермади. Бундай қонунларни билмаганларга камдан-кам ҳоллардагина олтин ўз-ўзидан келади, кетганида эса, тез кетади. Лекин бу қонунларни ҳурмат қилиб, амалда қўллаган одамлар учун олтин итоаткор қулга айланади.

Номазир сўзини тамомлаб, сал нарироқда турган қулига ишора қилди. Қўлида чармдан тикилган учта оғир халта билан турган қул у томонга яқинлашди. Номазир халталардан бирини отасининг олдига қўйди ва унга шундай деб мурожат қилди: «Сиз менга Бобилнинг бир халта олтинини бердингиз. Мен сизга шунга тенг бўлган Ниневиянинг бир халта олтинини қайтариб беряпман. Ўйлайманки, уларнинг қиймати бир-бирига тенг. Сиз менга доно фикрлар битилган лойдан ясалган тахтачани бердингиз. Унинг ўрнига мен сизга икки халта олтин қайтариб беряпман.

Шу гаплар билан Номазир қолган икки халтани олиб, уларни ҳам отасининг оёғи остига қўйди.

– Бу билан, отажон, мен доноликнинг олтиндан анча устун қўйишимни исботламоқчиман. Доноликни олтин билан ўлчаб бўлармикан? Донолик бўлмаса – олтин тез орада йўқ

бўлади. Доно одамда эса олтин нафақат сақланиб қолади, балки кўпаяди ҳам. Бунинг исботи мана шу уч халта олтин.

Ишонаверинг, отажон, сиз доно бўлганингиз туфайли, бадавлат ва ҳурматга лойиқ одамга айлана олганимни ўзингизнинг олдингизда туриб тан олиш менга катта мамнуният бағишлайди.

Ота кўлини Номазирнинг бошига қўйди: «Сен сабоқларни яхши ўзлаштирдинг ва мен ўз бойликларимни ишониб топширишим мумкин бўлган ўғлим борлигидан ҳақиқатан ҳам бахтиёрман».

ХОТИМА

...Орадан кўп йиллар ўтди. Замон ўзгаришига қарамасдан, Бобил ҳамон дунёнинг гуллаб-яшнаб турган шаҳарларидан бири бўлиб қолмоқда эди.

...Бобил ёшларига бойлик сирларидан сабоқ бераётган мўйсафид ўз ҳикоясини тамомлаб тингловчиларга диққат билан назар солди.

– Номазир ҳақидаги ҳикоя сиз учун қандай маънога эга? – сўради у, – Сизларнинг қайси бирингиз ўз ота-онангиз олдига ёки қайнотангиз олдига бориб, жамғармаларни оқилона бошқариш масаласида ҳисобот бера оласиз? Агар сиз бу қари одамларга: «Мен саёҳат қилдим ва кўп нарсадан хабар топдим, кўп ишладим ва кўп ишлаб топдим, лекин минг афсус-надомадлар бўлсин-ки, олтинларим жуда оз. Уларнинг бир қисмини оқилона сарфладим, бир қисми бекорчи ишлар ва эрмакларга кетди. Лекин энг кўп олтинни аҳмоқлигим туфайли йўқотдим», деб айтсангиз, улар сиз ҳақингизда нима деб ўйлаши мумкин?

Сиз ҳали ҳам кимдир бой, кимдир камбағал бўлиши фақат тақдирнинг инжиқлигига боғлиқ деб ўйлаясизми?

Киши фақат бойликнинг беш қонунини билиб, уларга амал қилсагина бадавлат одамга айланади.

Ёшлигимда шу қонунларни билганим ва уларга амал қилганим туфайли, мен кўзга кўринган савдогарга айландим. Тақдир ўйинларини эса бунга умуман алоқаси йўқ. Тез келадиган бойлик, худди шундай тез кетади. Ўз эгасига ҳақиқий хурсандчилик ва мамнунлик бахш этадиган бойлик оздан келади ҳамда унинг замирида мустаҳкам билим ва машаққатли меҳнат ётади.

Пул ишлаб топиш фикрлайдиган одам учун қийин масала эмас. Лекин ишлаб топилган пулни сақлаб қолиш ва кўпайтириш ҳар кимга ҳам nasib қилавермайди.

Беш қонуннинг ҳар бири ўзининг жуда чуқур маъносига эга. Мен яна такрорлаб ўтиришимга тўғри келмаслиги учун ҳаммасини яхшилаб уқиб олишга ҳаракат қилинг. Мен ёшлигимда бу қонунларнинг донолиги ва бебаҳо эканлигини кўра олганман, уларни сўзма-сўз ёд олишим кераклигини тушуниб етганман.

Бойликнинг биринчи қонуни

Олтин ўзининг ва оиласининг келажагини таъминлаб, ишлаб топганларининг ўндан бир қисмини жамғариб қўйганларга талпинади.

Ишлаб топганларининг ўндан бир қисмини ҳамиша жамғариб борадиган ва уни оқилона сармоёга айлантирадиган ҳар бир одам оз-оздан ўз жамғармасини катта бойликка айлантиради. Бу бойлик ўз эгасига келажақда ҳам қўшимча даромадлар келишини таъминлайди ва фоний дунёни тарк этиш вақти келганида ҳам унинг оиласи фаровон ҳаёт кечиришини кафолатлайди.

Бу қонун олтинлар айнан шундай одамга «талпинишини» алоҳида таъкидлайди. Мен буни ўз ҳаётим тажрибам билан тасдиқлашим мумкин. Мен олтинни қанча кўп жамғарсам, у шунчалик ихлос билан менинг фойдамга ишлайди ва кўпаяди. Мен жамғариб қўйган олтин борган сайин кўп пул ишлайди, биринчи қонуннинг моҳияти шунда.

Бойликнинг иккинчи қонуни

Олтин, тўла куч билан уни даромадли ишга сармоё қиладиган доно хўжайинга хизмат қилади. Ҳақиқатан ҳам олтин – доно хўжайин учун бебаҳо ишчи. Имконият пайдо бўлди дегунча, у ўз-ўзидан кўпайишга интилади. Олтинни

жамғаришни ўрганган ҳар қандай одамга уни ишга солиш имкони ҳам яратилади. Вақт ўтган сайин даромадлар миқдори ўз-ўзидан ошиб боради.

Бойликнинг учинчи қонуни

Олтин ҳимояга муҳтож бўлади, шунинг учун у эҳтиёткорликни ва доно одамлар насиҳатини афзал кўради. Олтин эҳтиёткор хўжайинга маҳкам ёпишиб олади ва худди шундай куч билан боқибегамлардан қочади. Сармоя масаласида доно маслаҳат ахтарадиган одам тез орада нафақат ўз бойлигини жудда катта миқдорда кўпайтиришга, балки уни бутунлигича сақлаб қолишга ҳам эришади.

Бойликнинг тўртинчи қонуни

Олтин одам ўзи яхши билмаган соҳада уни ишлатишга мажбур қилишларини ёмон кўради. Олтини бор бўлиб, лекин уни қандай бошқариш кераклиги тўғрисидаги билимларга эга бўлмаган одам, қайси соҳада сармоялари унга яхши даромад келтиришини аниқлаб билиши қийин. Шунинг учун у бир қарорга келишда шошқалоқлик қилиб, хатога йўл қўйиши мумкин. Бу эса уни бойликларидан айрилиб қолишига олиб келиши мумкин. **Ҳар қандай асоссиз мулоҳазаларга ишонган тажрибасиз сармоядор ўзи умуман билмаган соҳага сармоясини киритиш орқали қилган хатоси учун ўз бойликлари билан ҳақ тўлашга мажбур бўлади.**

Олтинни қандай бошқаришни биладиган одамларнинг маслаҳатига амал қиладиган киши донодир.

Бойликнинг бешинчи қонуни

Олтин бойлик тўғрисидаги ўзининг хомхаёл орзуларини амалга ошираман, деб уни жуда қалтис ёки ҳар томонлама пухта режалаштирилмаган ишларга сарфлайдиганлардан қочади.

Олтинга эндигина эга бўлган тажрибасиз кишининг кўзини турли хил ҳаваслар боғлаб, кўр қилиб қўяди. Ундай одамга қалтис ғоялар жуда жозибадор бўлиб кўринади, чунки улар бир зумда катта даромад келишини ваъда қилади. Айнан мана шу ерда, одам ўз режаларида қандай хавф-хатарлар яширинганлигини биладиган доно одамларнинг маслаҳатига қулоқ тутиши керак бўлади.

Очиқ кўнгил фуқароларни алдаб, уларни қалтис ишларга шерик қиладиган Ниневиялик фирибгарларни унутманг.

Шу билан мен бойлик йиғиш қонунлари билан боғлиқ имкониятлар ҳақидаги ҳикояларимни тугатаман. Уларни айтиб, мен сизга муваффақиятим сирларини очиб бердим.

Тўғриси айтганда, бу қонунлар қандайдир мўъжизакор сирлар эмас, балки ҳар ким шахсан ўзи учун ўзлаштириб олиши зарур бўлган ҳақиқатдир.

Эртага сизларнинг ҳар бирингиз ҳалол меҳнат билан ишлаб топиладиган олтин эгаси бўласиз. Ўн йилдан кейин олтинларни қандай ишлатиш тўғрисида ҳисобот бериш учун фурсат етганда, сиз нималарни гапириб бера оласиз? Агар сизларнинг орангизда Номазирга ўхшаб катта бойлик яратиш учун ўз олтинларининг бир қисмини бошланғич сармоя ҳисобида ишлатиб, отаси Арқаднинг доно маслаҳатларига амал қиладиганлар бўлса, улар ҳам худди Арқаднинг ўғлига ўхшаб, бадавлат ва ҳурматга лойиқ одамларга айланишади.

Бизнинг оқилона хатти-ҳаракатларимиз ўзимизга қувват ва мамнунлик келтириши учун, биз билан бир умр ёнмаёن юришади. Худди шунга ўхшаб, ўйламасдан иш қилиш одати бизни омадсизлик ва азоб-уқубатлар сари етаклайди. *Шуни унутмаслик керак-ки, ҳаётимиз давомида бизга эргашадиган омадсизликларнинг замирида аслида биз амал қилишимиз мумкин бўлиб, лекин амалда бажармаган қонунлар тўғрисидаги хотиралар туради – бу биз бой берган имкониятлардир.*

Бобилнинг бойликлари беқиёс, ҳеч ким уларнинг миқдорини аниқлай олмайди. Вақт ўтган сайин улар янада кўпайиб бормоқда. Худди ҳар қандай юртнинг хазиналари каби, бу бойликлар ўз ишининг кўзини биладиган одамлар учун мукофотдир!

Сизнинг истак ва интилишларингиз илоҳий кучга эга. Бу кучни бойликнинг беш қонунини амалда қўллаш билан уйғунлаштиринг ва шунда Бобилнинг хазиналари сизники бўлади.

МУНДАРИЖА

Суз боши	3
Бойликни орзу қилган одам	5
Бобилнинг энг бадавлат одами	12
Бойликнинг беш қонуни	26
Хотима	34

Ж. Клейсон

**БОБИЛНИНГ
ЭНГ БАДАВЛАТ ОДАМИ**

(бойлик сирлари)

Рус тилидан ШАВКАТ РАЗЗОҚОВ таржимаси

Муҳаррир	<i>У. Ражабова</i>
Тех. муҳаррир	<i>Н. Бабаджанова</i>
Мусаҳҳиҳ	<i>Ш. Набихўжаева</i>
Муқова муаллифи	<i>У. Солиҳов</i>
Саҳифаловчи	<i>Ш. Усмонжонов</i>

АI 097 рақамли нашр. лиц. Босишга 28.04.2009 й. да рухсат этилди.
Бичими 60x84^{1/16}. «Arial» гарнитурда офсет босма усулида босилди.
Шартли б.т. 2,3. Нашр т. 1,72. Адади 5000 нусха. Баҳоси эркин нархда.
182 -рақамли буюртма

«Vektor-Press» нашриёти,
100000, Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41.

«Niso Poligraf» ШК босмаҳонасида босилди.
Тошкент шаҳар, Ҳ. Бойқаро кўчаси, 41.



ISBN 978-9943-343-14-6



9 789943 343146